



ЦИТОМЕГАЛОВИРУС ИНФЕКЦИЯСИ ДИАГНОСТИКАСИ ПЕРИНАТАЛ БОСҚИЧ ХАФВИ.

Мухамеджанова Нодира, Бейжанов Мададбек

Тошкент Кимё халқаро университети
Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги
илмий-амалий маркази Хоразм вилояти филиали

CMV инфекцияси аксарият ҳолларда симптомсиз кечишига қарамасдан, у клиник аҳамияти юқори бўлган инфекциялар қаторига киради. Айниқса, иммун тизими заифлашган шахсларда, жумладан ОИВ инфекцияси билан касалланган беморларда, аъзо ёки суяк кўмиги трансплантациясидан кейинги ҳолатларда, шунингдек, онкогематологик касалликларда вирус реактивацияси оғир асоратларга олиб келиши мумкин. Ҳомиладор аёлларда эса CMV инфекциясининг бирламчи шакли, реактивацияси ёки қайта инфекцияси ҳомила учун жиддий хавф туғдиради.

Туғма CMV инфекцияси (сCMV) дунё бўйлаб туғма инфекциялар ичида энг кўп учрайдиганлардан бири бўлиб, перинатал морбидлик, марказий нерв тизими шикастланиши ва сенсоневрал эшитиш йўқолишининг етакчи сабабларидан бири сифатида қаралади. Клиник кузатувларга кўра, сCMV билан туғилган чақалоқларнинг тахминан 10–15% ида туғилиш вақтидаёқ клиник белгилари намоён бўлади, қолган катта қисмида эса инфекция симптомсиз кечиши мумкин. Бироқ симптомсиз кечган ҳолатларда ҳам кейинчалик эшитиш қобилятининг пасайиши, нутқ ва психоневрологик ривожланишда кечикишлар кузатилиши мумкин.

CMV инфекциясининг аҳоли орасида тарқалиши ижтимоий-иқтисодий шароит, санитария-гигиена даражаси, оиладаги болалар сони, аҳолининг зичлиги ва ёш таркиби билан узвий боғлиқ. Серопозитивлик кўрсаткичи ёш ошиши билан ортиб боради, бу эса вируснинг организмда узоқ муддат латент сақланиши ва муайян шароитларда қайта фаоллашиш хусусияти билан изоҳланади. Шу тариқа, CMV инфекцияси нафақат юқумли касаллик, балки акушерлик, неонатология, трансплантология ва клиник лаборатор диагностика соҳалари кесишган нуқтада турган долзарб тиббий муаммо ҳисобланади. Шу билан бирга, клиник лаборатор диагностика нуқтаи назаридан, бирор битта тестдан кўра, серологик ва молекуляр кўрсаткичларни комплекс баҳолаш анча ишончлироқ ҳисобланади. Демак, CMV диагностикасида интеграл ёндашув принципи устувор аҳамиятга эга.

Адабиётлар

1. Kenneson A., Cannon M.J. Review and meta-analysis of the epidemiology of congenital cytomegalovirus (CMV) infection. *Rev Med Virol.* 2007;17(4):253–276.



2. Dollard S.C., Grosse S.D., Ross D.S. New estimates of the prevalence of neurological and sensory sequelae and mortality associated with congenital cytomegalovirus infection. *Rev Med Virol.* 2007;17(5):355–363.
3. Rawlinson W.D., Boppana S.B., Fowler K.B. et al. Congenital cytomegalovirus infection in pregnancy and the neonate: consensus recommendations. *Lancet Infect Dis.* 2017;17(6):e177–e188.
4. Griffiths P., Baraniak I., Reeves M. The pathogenesis of human cytomegalovirus. *J Pathol.* 2015;235(2):288–297.
5. Kotton C.N. CMV: prevention, diagnosis and therapy. *Am J Transplant.* 2013;13(Suppl 3):24–40.
6. Manicklal S., Emery V.C., Lazzarotto T., Boppana S.B., Gupta R.K. The “silent” global burden of congenital cytomegalovirus. *Clin Microbiol Rev.* 2013;26(1):86–102.